

Мактабдаги учрашув

2021 йил 29 январь куни Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 271-умумий ўрта таълим мактабига “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультети декани Р. Хакимов бошчилигига “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири А. Ахмедов ҳамда “Ёшлилар билан ишлаш бўйича” декан ўринбосари Ж.Турдиевлар ҳамроҳлигига амалий ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида борилди. Учрашувда Р. Хакимов сўзга чиқиб, 271-сонли мактабнинг юқори синф ўқувчиларига маъруза қилди. Маърузада ўқувчиларни Институт фаолияти, таълим йўналишлари, ўқув жараёнлари, шунингдек, ўқувчиларни Олий таълимга ўқишга кириш бўйича тушунтириш ва тавсиялар бердилар. Шунингдек, келажакдаги ҳамкорлик бўйича мактаб жамоасига услубий ёрдамлар кўрсатиш бўйича келишиб олинди. Учрашувда мактаб ўқувчилари томонидан ўзларини қизиқтирган саволлари бўйича атрофлича жавоблар олдилар. Учрашув қизғин руҳда кечди. Мактаб ўқувчилари учун ҳар хил турдаги китоблар совға қилинди.



TIQXMMI matbuot xizmati